

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 81 (337), 2021 йил 23 апрель, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 22 апрель куни ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаси йўналишларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси кенг қамровлиги билан иқтисодийётда, аҳоли ҳаётида муҳим ўрин тутди. Бу соҳада янги иш ўринларини кам ҳаражат билан ва тез муддатда ташкил этиш мумкин. Аҳоли даромадларининг реал ўсиши ҳам аввало, хизматлар ривожига сезилади.

Коронавирус пандемияси бу соҳага салбий таъсир кўрсатди. Шу боис, тадбиркорларга 24 та турдаги солиқ имтиёзлари, субсидия ва бошқа преференциялар таъдим этиш орқали 35 триллион сўмлик қўшимча маблағларни ҳисобдан қўшимча 14 триллион сўм кредитлар ажратган. Кенг имтиёзлар берилган.

Масалан, ўтган йили тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида хизмат соҳасига 1 триллион сўм имтиёзли кредит ресурслари берилган. Бундан ташқари, тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан қўшимча 14 триллион сўм кредитлар ажратган. Кенг имтиёзлар берилган натижасида сервис соҳаларида ўзини ўзи банд қилган 500 минг нафар фуқаро расмий рўйхатдан ўтган.

Жойларда тадбиркорлар билан ўтказилган учрашуларда янги хизмат турларини йўлга қўйиш бўйича муножаатлар, ташаббуслар кўп бўлмоқда. Улар асосида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари жорий йилда хизматлар соҳасида 59 триллион сўмлик 42 мингта янги лойиҳани амалга ошириш, 150 мингта доимий иш ўрни яратиш бўйича режалар белгилаган.

Йиғилишда Президент ҳар бир лойиҳа ижросини назоратга олиб, тадбиркорларга қўмаклашиш, шу билан бирга, янги лойиҳаларни шакллантириб бориш юзасидан кўрсатмалар берди.

Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, хизматларни кенгайтириш, янги хизмат турларини йўлга қўйиш, илғор тажрибалар ва намунавий лойиҳаларни жорий этиш бўйича янги методология яратиш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун, Ўзбекистон миллий банки ҳузурида хизматларни ривожлантириш бўйича лойиҳа-таҳлилий маркази ташкил этилади ва барча вилоятлардаги филиалларида унинг бўлимлари очилади. Уларда аҳолига намунавий тайёр бизнес лойиҳалари тақдим этилади, касбга ўқитишдан бизнесни йўлга қўйишга бўлган комплекс хизматлар кўрсатилади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни молиявий таъминлаш масаласига алоҳида тўхталди.

Ҳисоб-китобларга кўра, бу йил хизматлар соҳаси учун банклар томонидан қандам 18 триллион сўм кредитлар йўналтирилади.

Бундан ташқари, давлат томонидан тижорат банклари орқали қўшимча 300 миллион доллар ажратилади. Шундан 150 миллион доллари 1 июлгача жойларга етиб боради.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарлари, маҳаллага бириктирилган масъуллар билан бирга "маҳалла — туман — банк" принципи асосида лойиҳалар рўйхатини шакллантиради. Бунда, ҳар бир маҳаллада қандам 20 турдаги, туман ва шаҳарда қандам 70 та турдаги хизматлар бўлиши назарда тутилади.

Шунингдек, Миллий банк томонидан 28 та йирик ва ўрта шаҳарларда туризм, транспорт, тиббиёт, таълим хизматлари ҳамда йирик савдо комплекслари ташкил этиш учун қўшимча 200 миллион доллар маблағ жалб қилинади.

Умуман айтганда, бюджетдан ва Миллий банк томонидан хизмат кўрсатиш соҳасига жами 500 миллион доллар ёки 5,5 триллион сўм йўналтирилади.

— Топпириқ беришдан олдин шароит яратаялмиз, пуллар ажратаялмиз. Биргина хизматлар соҳасига 500 миллион доллар бераялмиз. Буни агар ҳалол-пок ишлатсак, неча минг ишчи жой пайдо бўлади. Ҳар бир вазир ватанпарвар бўлиб, "ўзининг аравасини ўзи тортиб", берилган бир сўм пулни қадрлаб, жойига етказса, одамлар ишонади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бунинг учун вазирлик ва идоралар раҳбарлари ўз йўналишида хизматлар ривожини ҳар қандай қилиши зарурлиги қайд этилди.

— Вазирлар ўз соҳасида хусусий сектор фаолияти учун ҳуқуқий база яратиши, рухсат бериш талабларини соддалаштириб, тадбиркорликка йўл очиши зарур. Қерда давлат қорхонаси, қайси фаолият бўйича давлат-хусусий шериклик ёки хусусий сектор бўлиши аниқ қилиб белгилаши керак, — деди Президент.

Мисол учун, охириги 2 йилда 6 мингга яқин кўп қаватли уйлар қурилган. Уларнинг эксплуатацияси бўйича бошқарув компаниялари ташкил этиш, мавзелар ичида турли хизматларни йўлга қўйиш мумкин.

Ёки хавфсизлик талабларини қўйган ҳолда, аэропорт, темир йўл ва автовокзаллар ҳудудларида, магистрал йўллар ёқасида савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш тадбиркорларни даромад, аҳолини иш билан таъминлайди.

Ахборот соҳасида хусусий сектор иштирокини янада кенгайтириш, нархларни арзонлаштириш ва сифатини ошириш ҳисобига алоқа ва интернет хизматлари

ҳажмини камида 2 бараварга, дастурлашнинг 3 бараварга ошириш имконияти бор.

Худди шу каби, барча вазирлик ва идоралар тизимида фойдаланиш зарур бўлган йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

Сервиси аҳолига яқинлаштириш мақсадида маҳаллаларда енгил конструкциялардан хизматлар маркази барпо этиш муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, 28 та шаҳар ҳамда аҳолиси 150 мингдан кўп бўлган туман марказларида савдо ва хизматлар учун махсус кўчалар ташкил этилиши белгиланди. Уларда 100 мингта тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш имкони мавжуд.

Хизмат кўрсатишда энг муҳим масала — бу манзилни тўри танлаш. Шу боис, Қурилиш вазирлигида вилоят ҳокимлари билан бирга, савдо ва хизмат кўрсатишга икти-сослашган кўчалар ҳамда марказларнинг жойини танлаб, лойиҳасини ишлаб чиқиш, лотларга бўлиб, танлов асосида савдога чиқариш топширилди. Хавфсизлик чораларини кўриб, ушбу савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг қулу тун ишлашига рухсат берилиши ҳам мумкин.

Кўп тармоқли шифохоналар ва унинг атрофида хусусий шериклик асосида тиббиёт кластерлари, олий ўқув юртлири худудидида хорижий тиллар, тайёрлов ва касбга ўргатиш курслари ташкил этиш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Йиғилишда мутасаддилар жойлардаги салоҳиятни юзага чиқариш, ташаббускорларни қўллаб-қувватлаб, хизматлар ҳажминини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ахборот берди.

ЎЗА

ҚАРДОшлиК РИШТАСИ

Аҳил қўшничилик тамоийли

Ёҳуд Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсатиға янғича назар

Баҳром Хўжанов, сиёсатшунос

Бугун дунёнинг янғича трансформация ҳолатига ўтиши объектив реаликка айланди ва бу жараёнда COVID-19 қўшимча катализатор вазифасини ўтамоқда. Халқаро муносабатларда бир-бирига қарама-қарши бўлган икки парадигма — конфликт ва ҳамкорликлар ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлмоқда.

Конфликтлар бир-бирига қарама-қарши бўлган қучларнинг нафақат рақибига таъсир кўрсатиши, балки минтақавий ва халқаро сиёсий жараёнларни ҳам ўз назоратига олиш учун интилишлари, минтақавий ва умумбашарий таҳдидлар халқаро сиёсат акторлари манфаатларининг тўқнашуви туфайли мафқуравий тус олаётганлиги билан тавсифланмоқда.

Бироқ дунёда юз бераётган бугунги инқироз халқаро сиёсатга замонавий халқаро ҳаётнинг салбий ва ижобий томонларини, миллий ташқи сиёсатдаги "эскирган" ғоя ва вазифаларни, халқаро ҳамкорликнинг устувор тизимидаги сукунатни кўрсатиш баробарида, ўзгараётган халқаро муҳитда давлатлар ташқи сиёсати учун янги имкониятларни очиб беришга ҳам хизмат қилмоқда. Бугун дунё миқёсида эпидемиология соҳасидаги ҳамкорликка янги йўналиш ва истиқболда халқаро алоқдорлиқнинг муҳим механизми сифатида қаралмоқда. Бу жиҳатдан давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик парадигмалари ўзгармоқда ва давлатлар ташқи сиёсатидаги янғича тенденциялар юзага келмоқда.

Давоми 2-бетда

ХУШХАБАР

НУФУЗЛИ ГЛОБАЛ РЕЙТИНГЛАРНИНГ ЭЪТИРОФИ



Нодирбек САЛАЕВ,
Тошкент давлат юридик университети илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида мамлакатимизда юридик таълим ва фанни ривожлантиришга қаратилган муҳим ва стратегик масалалар қаторида Тошкент давлат юридик университетини халқаро тан олинган таълим муассасалари рейтингига киритиш вазифаси ҳам белгиланган эди.



Шу билан бирга, нафақат талабалар, балки университет ходимларининг хорижий тилларни билиш даражасини ошириш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Мухтасар айтганда, сўнгги бир ярим йил мобайнида бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Ана шу ишларнинг илк натижалари бугун ўз самарасини бера бошлади.

Хусусан, университет томонидан Буюк Британиядаги Times Higher Education ташкилотининг

бир нечта йўналишлардаги рейтингларида иштирок этиш учун ариза топширилди. Куни кеча эълон қилинган THE Impact Ranking ҳам ушбу ташкилотнинг нуфузли рейтингларидан ҳисобланади.

Давоми 2-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ҚАТЪИЙ ИНТИЗОМ, ФИДОЙИЛИК, ТАШАББУСКОРЛИК ВА МЕҲНАТСЕВАРЛИК — ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

"Эришилган натижалар билан чекланиб қолмаслик керак, барчамиз, эгаллаб турган лавозимларимиздан қатъи назар, мамлакатни янада изчил ривожлантиришни таъминлаш ҳақида ҳар доим ўйлашимиз шарт. Янги Ўзбекистон келажаги учун яшаш ва меҳнат қилиш — юксак масъулият ва шарафдир!"

Ш.М. МИРЗИЁЕВ



Илҳом НОРҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартiriш вазирининг биринчи ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қабул қилинган Фармони ижрода қатъий интизомни янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартiriш вазирлиги Ҳайъатининг 2021 йил 22 февралдаги кенгайтирилган йиғилишида ўрганиб чиқилди ва Фармон талаблари бажарилишини таъминлаш, топшириқлар ижросини сифатли ташкил этиш ва мониторинг қилишнинг таъсирчан механизмини яратиш бўйича барча даражадаги раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Фармонда белгиланган талабларнинг вазирлик тизимида сўзсиз, ўз вақтида ва натижали бажарилиши учун барча бошқарув органлари раҳбарлари шахсан жавобгар эканлиги тушунтирилди. Фармон билан ижро интизомини мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги устувор вазифалар белгиланди:

Биринчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар лойиҳалари тайёрланиши устидан шахсий назоратни ташкил этиш, уларнинг пухта иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, ваколатли давлат бошқаруви органларида ўз вақтида қилиниши;

Иккинчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини тезкор етказиши, шу жумладан, уларда қўйилган вазифаларнинг моҳияти ва аҳамияти кенг жамоатчилик ва аҳоли ўртасида тушунтирилиши, назорат бандлари ва топшириқларда аниқ механизмлар, муддатлар ва масъуллар белгиланиши бўйича "йўл хариталари"нинг ўз вақтида ишлаб чиқилиши устидан шахсий назоратни таъминлаш;

Учинчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси амалда назорат қилинишини шахсан ташкил этиш, бунда марказий аппаратларда, тармоқ ва ҳудудий давлат бошқаруви

органларининг ўрта ва қуйи бўғинларида ишларнинг реал ҳолатини танқидий ўрганишга, эришилган пировард натижаларга, камчиликлар ва муаммоларнинг сабабларига, фойдаланилмаган захираларга, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва ҳокимликларнинг ташкил этиладиган электрон маълумотлар базаси асосида "lrg.gov.uz" ижро интизомини идораларо ягона электрон тизимида ўз вақтида ҳисобот берилишига алоҳида эътибор қаратиш;

Тўртинчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг моҳияти ва аҳамиятини ҳамда уларни амалга ошириш юзасидан қабул қилинаётган чора-тадбирларни тушунтириш мақсадида оммавий ахборот воситаларида шахсий фикр-мулоҳазаларини билдириш, жамоат ташкилотлари ва маҳаллаларда учрашувлар ўтказиш, шунингдек, ҳокимларнинг Халқ депутатлари кенгашлири сессияларида ҳисобот бериш амалиёти-ни жорий этиш;

Бешинчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ўз вақтида, тўлиқ ва натижали ижро этилиши шахсан танқидий таҳлил қилинишини таъминлаш, олдинга қўйилган вазифаларни амалга ошириш ва мўлжалланган мақсадларга эришиш. Иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳани, шунингдек, ҳудудларни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларини талаб этидиган муаммолар масалалар бўйича ҳар томонлама асосланган таклифлар ишлаб чиқиш ва киритишдир.

Ҳайъат қарори билан вазирликда ишларни ташкил қилиш ва ижро интизомини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди ва амалга ошириш бўйича "йўл харитаси" тасдиқланди.

Давоми 3-бетда

